

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

322 Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»-
ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда ту-
тилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарори-
га ўзгартиришлар киритиш ҳақида

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни
тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон
қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 45-модда) 1-банди
қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-
вожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон
матбуот ва ахборот агентлигининг «Биржа» ва/ёки «Солиқ инфо» газетала-
рини (кейинги ўринларда расмий нашрлар деб аталади) «Банкротлик тўғри-
сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотлар
(кейинги ўринларда банкротлик тўғрисидаги маълумотлар деб аталади) эълон
қилинадиган расмий нашрлар этиб белгилаш ҳақидаги таклифи қабул қилин-
син».

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ри-
вожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор
вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
202-сон